

**Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун
№ 136- сонли ШАРТНОМА**

Нукус ш.

“06 ” 10 2022 йил.

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи “Ўзйўллойиҳа лойиҳа қидирув институти” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор в.б **О.Раджабов** ва бундан буён “Бажарувчи” деб юритиладиган “YO’L LOYIHA NUKUS” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи **П.Дуйсенов** ўртасида қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи топширади, Бажарувчи эса **Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Уллибоғ ОФЙ Яккатол массиви автомобиль йўлининг жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб боришни** ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиҳа-смета ишларини бажариш ва муалифлик назоратини олиб бориш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома газначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси **15% ҚҚС билан 14 950 000 (Ўн тўрт миллион тўққиз юз еллик минг)** сўмни ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи шартномани Газначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси қўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбаи томонидан кечиктирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиха ишларини аниқлаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

Бажарувчи

“Ўзйўллойиха лойиха қидирув институти”

“YO'L LOYIHA NUKUS” МЧЖ

ДУК

100000, Тошкент шаҳар,
Мирзо Улугбек тумани,
Мустақиллик шох кўчаси, 68-уй,
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ “Ипотека-банк”
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН: 305 756 527
ОКЕД: 71110

Адрес: г.Нукус ул. А.Темур,129 А
Тел: 91 389-89-99
Л/с: 20208000905163546001
Нукус филиали «Алоқа банк» (АКБ)
МФО: 00623 ИНН: 307 032 421
ОКЭД: 42110

Директор В.О.

О.Раджабов

Директор

П.Дуйсенов.



Шартнома баҳосини келишуви

Б А Ё Н Н О М А С И

Биз, қуйида имзо чекувчилар: **Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Уллибоғ ОФЙ Яккатол массиви автомобиль йўлининг жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назаротини олиб бориш бўйича 2022 йил 06, 10 даги №136 - сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан 14 950 000 (Ўн тўрт миллион тўққиз юз еллик минг) сўмни ташкил қилади.**

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Буюртмачи

Бажарувчи

“Ўзйўллойиха лойиха қидирув институти”

“YO'L LOYIHA NUKUS” МЧЖ


ДУК

100000, Тошкент шаҳар,
Мирзо Улуғбек тумани,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ “Ипотека-банк”
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН: 305 756 527
ОКЕД: 71110

Адрес: г.Нукус ул. А.Темур,129 А
Тел: 91 389-89-99
Л/с: 20208000905163546001
Нукус филиали «Алоқа банк» (АКБ)
МФО: 00623 ИНН: 307 032 421
ОКЭД: 42110

Директор в.б. _____ О.Раджабов

Директор _____ П.Дуйсенов.



Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси

I. **Иш тури:** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш.

II. **Буюртмачи:** “Ўзйўллойиха лойиха қидирув институти” ДУК


III. **Бажарувчи:** “YO'L LOYIHA NUKUS” МЧЖ.

№	Объектлар номи ва манзили	Лойиха қуввати, км/пм	ҚМИ минг.сум	ЛСХ минг.сум	Бажариш муддати
1	2	3	4	5	6
1	Тўрткўл тумани Уллибоғ ОФЙ Яккатол массиви автомобиль йўлининг жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш			14 950 000	10 кун
	ЖАМИ			14 950 000	

Қайднома бўйича жами: **ҚҚС билан 14 950 000 (Ўн тўрт миллион тўққиз юз еллик минг) сўм.**

Лойихачи:

Буюртмачи томонидан келишилди:



(Handwritten signature)



2022 йил 06 - 10 даги №136-сонли шартномага 3-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	2022 йил
1	2	3	4	5	6
	Аванс тўлови 30%			4 485 000	
1	Тўрткўл тумани Уллибоғ ОФЙ Яккатол массиви автомобиль йўлининг жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш	14 950 000	2022 й Октябрь	10 465 000	Октябрь
	ЖАМИ	14 950 000		14 950 000	

Буюртмачи

Бажарувчи



(Handwritten signature)

